

БУЮК БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 90 (8830).

2 май, 1986 йил

ЖУМА

Баҳоси 3 тийин.



МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОН. 1986 ЙИЛ, 1 МАЙ. СУРАТДА: В. И. ЛЕНИН МАВЗОЛЕИ МИНБАРИ.

БИРИНЧИ МАЙ—ЖАДАЛЛИК БАҲОРИ

Москванинг Қизил майдонида 1 Май намоёиши

Бу галги Биринчи Майни шитобли юксалиш йўлида кутиб олдик. Бугунги байрам буюқлари баҳор гулларидек ранг-баранггина эмас, улар бениҳоя жозибадор жўшқинлигини ифодалаб турибди. Биринчи май КПСС XXVII съезидан эстафетани қабул қилиб олди. Партия ўзининг шу съезди минбаридан фан-техника тараққиёти асосида социализмни планли равишда ва ҳар тарафлама такомиллаштиришнинг реал программасини эълон қилди, жамиятнинг социалистик тарққиётини имкони борича тезроқ баргараф этишга, бу тараққиётга жўшқинлик ва жадаллик бахш этишга азму қарор берганини очик-ойдин билдирди. 12-беш йиллик биринчи баҳорининг ҳар бир кунини съезд қарорларини бажаришга ҳисса қўшмоқда, бу эса социализм позицияларини мустаҳкамлашга, тинчликни сақлашга, ҳар биримизнинг ҳаётимизни яхшилашга қўшгани ҳисса дедим.

Партия советлар мамлакатини олдига нақадар қийинроқ ва мияёсирроқ вазифаларни қўйса, омма мақсадга эришини йўлида шу қадар активроқ қатнашди. Социализмнинг моҳияти, унинг вужудга келиши, мустаҳкамлаши, ҳар томонлама такомиллаштирилиши туб омили халқнинг иқтисодкорлигидадир. Лениннинг социализм қурилиши бугун тажрибасида мустаҳкамланган шу сўзларидан 1986 йил баҳорининг асосий нишонларидан бири акс этиб турибди.

...Москва одатдаги меҳнат кунини даъватидек Биринчи май тонгида ҳам эрта уйғонди, аммо коржомасини ёқасига қизил лентача тақилган байрам либосига алмаштирди. Останкино телевидион миносарига илгин қизил байроқ бутун шаҳар учун Биринчи май лентаси бўлди. Бундан ҳам баландда, роса минг қарра баландда бизнинг пойтахтимиз узра ва қолвераса бугун Ер кўраси узра Москва вақти билан соат олтида орбитадаги унинг, чироклари ёнди. «Мир» станциясининг экипажи Ер юзининг бутун аҳолисини ҳалқаро меҳнат ва тинчлик байрами билан қўтлади.

Биринчи май беповён Ватанимиз бўйлаб Камчаткадан Москвага етиб келгунча ўтган тўққиз соат мобайнида Леонид Кизим билан Владимир Соловьев Ер кўраси атрофини саккиз марта айланиб ўтдилар. «Алоқа йўллари орқали бизга маршлар эшиттиришгиз...» деб илтимос қилишди улар учинчи бошқарни марказ

зидаги ўртоқлардан. — Духовой оркестр садолари остида завқ билан ишлаймиз. Гарчи, бугун бизга дам беришган бўлсада, ёнгинамизда «Прогресс-26» турибди, биз барийбир кўл қовуштириб ўтирмаймиз».

Бугун Биринчи май байрами ронпа-роса юз ёшга тўлди. 1986 йил 1 Май кунини Америка ишчилари қизил байроқлар кўтариб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун Чикаго кўчаларига чиққан эдилар. Курашда қўлга киритилган, қон тўкиб эришилган бу байрам бугун овоздлик, тенглик, ҳардошлиқни қаттиқ турб ҳимоя қилаётган ҳамма ишчиларнинг байрами бўлиб қолди. Шу босқидан ҳам бугун Ер қоздаги миллион-миллион ишчиларнинг нигоҳи ўз байроғига «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган сўзларини ёзиб қўйган мамлакатга қаратилган. Шу босқидан дастлабки ишчилар мавқалари, гулханларининг алағаси Биринчи май байроқларининг азият дарағида доимо акс этиб туради, шу гулханларнинг учқунлари миллионларнинг қалбига илчиларнинг иши учун кураш иштиёқи ўтин ёқди, сўнгра эса Улуг Октябр алағасини гуруллаб юборди.

Биринчи майнинг баҳор гулларидек ранг-баранг бўёқларга бурканган қолонналари Қизил майдонга кириш тараддудида. Унинг биринчи тўққини қирмиши рангда товланади. Мана шу байроқдорлар қолоннаси бир текис саф тортиб турибди. Бугун социалистик мусобақа голибларининг байроқларини, эсдалар байроқларини, юрхоналар, олий ўқув юртлари, ҳунар-техника билим байроқлари, мактабларнинг байроқларини кўтариш энг яхши ишчиларга ишониб топширилган.

Майдон — анъанавий либосда, пролетар байрами тимсоқлари билан безатилган. «1 Май» байрам санаси ёзилган панно тарих календарининг бир варағидек кўзга ташланади. Иттифоқдош республикаларнинг ўн бешта байроғи ўртасидаги СССР Давлат байроғи хил-пираб турибди. Кремль деворларига шу республикаларнинг герблари қўйилган.

Пролетариат йўлбошчилари — К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг портретлари майдоннинг ҳамма нукталаридан кўзга ташланади. Уларнинг портретлари атрофида совет халқининг илмий коммунизм татбиқотида қозилган таъсирловчи шу куннинг энг асосий широлари алағаланиб турибди.

«КПСС XXVII съездининг қалбига йўлидан — комму-

нистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан, одамлар, «Фан-техника тараққиёти — замон талаби», «Социал соҳа — жадал ривожлантирилсин», «Халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлайлик», «Носмосини ҳарбийлаштиришга йўл қўймаймиз» широлари кўзга ташланади. «Тинчлик» сўзи турли тилларда кўп марта лаб тақорланган.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини қарсақлар чалиб, табриқлаб кутиб оладилар. М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воронников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лагачев, Н. И. Рыжков, М. С. Соловьев, В. М. Чебриков, Э. А. Шенардидзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, С. Л. Соколов, Н. В. Таланин, А. П. Бирюков, А. Ф. Добрынин, М. В. Зиялиев, В. А. Метелев, В. П. Никонов, Г. П. Раузматовский, А. Н. Яковлев ўртоқлар, КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг раиси И. В. Капотов мавзолейнинг марказий минбарига қўтариладилар. Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда эдилар.

Минбарларда партия ва меҳнат ветеранлари, Октябр революциясининг, Улуг Ватан урушининг қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари, СССРнинг қосмонавт учувчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари туришибди. Бу ерда кўпгина чет элдик меҳмонлар ҳам бор.

Чет мамлакатларнинг СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлишган.

Байрам бошлангичи олдидаги сўнгги дақиқалар. Мана, ниҳоят Кремль куранти 10 марта бонг уради. Фанфаралар чалинади. Биринчи май шарафига тантанали табрик хитовлари янграйди.

Ранг-баранг безатилган машиналар майдонга кириб келади. Партиянинг программаси, коммунистларнинг съезди минбаридан бутун совет халқига қараб айтилган сўзларни эслатувчи паннолар кўзга ташланади: бу программа ва сўзлар фидокорона меҳнат билан қўлаб-қувватланган тақдирдагина реализмга айланиши мумкин. Сўз билан ишни бир бутун қилиб бирлаштириш — барча москваликлар ялпи қуч-гайратларининг мақсади. Шу босқидан ҳам меҳнат, илм-фан шаҳри — ҳамиша жўшқин ўтир фикр шаҳри бўлиши пойтахтнинг байроғига ҳамроҳ-

лик қилиш иши, олим, студентга топширилган. И. Мальцев — «Красный пролетарий» заводнинг тарафдорчиси, КПСС XXVII съездининг делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Москва Советининг депутатыдир. Академик Ю. Гуляев — электротехника ва информация ишлаш системалари соҳасидаги таниқли мутахассис, икки марта СССР Давлат мукофотининг лауреати, Европа физика жамияти мукофотининг лауреати. Юлия Чернованинг қилган хизматлари рўйхати ҳали унчалик катта эмас: У — Москва Давлат университетининг 5 курсида ўқийди. Аммо ўзининг ҳозирги асосий иштини виждонан бажармоқда, у — аэло-чи, Ленин стипендиатидир.

«Япасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!» деб қилинган хитобга минглаб овозлар бараварига «Ура!» деб жавоб беради. Пионерлар мавзолей минбарига қопиб чиқадилар. Улар Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларига гуллар ва қизил бантлар топширадилар.

Байрам мезбонлари — пойтахт меҳнаткашларининг минглаб отряди Қизил майдонга кириб кела бошлайди. Бугун Москвининг меҳнат аҳли янги беш йиллик режаларини бажаришдаги дастлабки ютуқлари ҳақида рапорт бермоқда. Бир неча рақамни айтиб ўтайлик: Москвада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг ҳажми тўрт ой ичда планга белгиланганидан уч процент ўрнига 5,4 процент кўпайди. Шу ўсишнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. — Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан олинган социалистик мажбурият 1,4 баравар ортиб бидан бажарилди.

Аммо ҳали ҳамма иш ҳам қўнгилдагидек деб бўлмайди. Съезд минбаридан қилинган принципал, амалий танқидга жавобан Москва партия ташкилотлари ҳамма резерварини — иқтисодий, меҳнат, идеологик соҳалардаги резерварини ишга солишини, аниқ стратегиясини ишлаб чиқдилар. Бугунги намоёишда ишчиларнинг портретлари кўп. Бунинг ҳеч бери ажабланидиган жойи йўқ. Мамлакат ўз қаҳрамонларини билиб қўйиши керак. Уларнинг ҳар бири жуда оддий ва камтар бўлса ҳам, аммо ўз жойида қаҳрамон. Энг муҳими ҳам мана шу. Юзлаб, минглаб, миллионлаб кишиларнинг, меҳнати бирга қўшилиб, социалистик жамият

(Давоми 2-бетда).

Кеча Совет халқи, барча прогрессив инсоният меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик кунини — 1 Майни зўр тантана билан нишонлади.

Май байрами барча халқларнинг бўзилмас бирлиги, совет кишиларининг ленинча Коммунистик партия тева-рагида мустаҳкамроқ жипслашганлиги, уларнинг КПСС XXVII съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун қатъий азму-қарор қилганликларининг ёрқин намоёишига айланди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ЙЎЛИДАН

Тошкентда байрам намоёиши

бутун кучини сарфлаган кишиларни беихтиёр эста оласан, киши.

Бу йилги Биринчи майнинг яна бир ўзига хос хусусияти бор. Бу хусусиятни совет кишиларининг меҳнат гайрати ва сиёсий активлиги жўш урган муҳит белгилаб берди. Улар мамлакатни социалистик ривожлантиришнинг реал программасини амалга ошириш соҳасида фидокорона, завқ-шаўқ билан ишламоқдалар. Бутун мамлакатда бўлган каби республикада ҳам янгилаш, туб ўзгаришлардан иборат қийин, аммо муқаррар жараён давом этмоқда. Ўй-фикр ва режалар конкрет ишларда рўёбга чиқаришмоқда.

Майолди социалистик мусобақаси мамлакат коммунистлари анжуманининг қарорларини бажариш учун умумхалқ курашига янги омили бағишлади. КПСС Марказий Комитети меҳнаткашларнинг интернационал бирлиги кунини арафасида иш-дари синфига, колхозчи-деҳқонларга, зиёлиларга — мамлакатимизнинг бутун

меҳнат аҳлига, социализм мамлакатларининг халқларига, барча мамлакатлардаги коммунистларга, бутун дунё ишчиларига, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларга Қаҳриқлар билан мурожаат этди. Ана шу Қаҳриқларда Совет Иттифоқи коммунистларининг тинчлик иши учун, коммунизм галабаси учун курашининг энг муҳим вазифаларига қаратиш назор этилган. Мамлакатини социалистик ривожлантиришнинг жадаллаштириш орқали — жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига, коммунистик идеалларнинг тантанасига эришайлик!

Ўзбекистон пойтахтини беэаб турган транспарантлар ва широрлар республика меҳнаткашлари халқ ҳужа-литини ривожлантиришда қатъий бурилишга эришиш, олий даражада ташкил қилинган ва самарали экономика сари туб бурилишни таъминлаш иштиёқида эканликларидан далолат бермоқда. В. И. Ленин номидаги майдонда СССР ҳамда қардош иттифоқдош республикаларнинг байроқлари қилин-пираб турибди. марксизм-

ленинизм асосчиларининг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретларини қўра-миз.


Меҳмонлар учун ажратилган минбарлар одамлар билан лиқ тўла. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари ана шу минбарлардан жой оладилар.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонов, Р. Х. Абдуллаев, Т. А. Алимов, В. П. Анишев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонин, А. С. Икромов, Ф. Х. Қодиров, В. Н. Лобко, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Х. Алимов, В. К. Михайлов, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайду-ров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ф. З. Захриддинов, И. А. Каримов, Қ. Х. Маҳаммадиев, С. У. Султонова ҳукумат минбарига кўтариладилар.

Анганага кўра байроқдорлар қолоннаси Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг намоёишини бошлаб беради. Олдинда Тошкент шаҳрининг байроғи олиб ўтилимоқда. Уни 2-автомобилат ҳайдовчиларининг бригадари Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, Меҳнат Қизил Давлат ордени нишондори И. А. Азаматов, Электростанция ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтажчиси Л. А. Валетова, «Ташсельмаш» заводининг электр пайвандчиси, II ва III даража Меҳнат Шухрати орденларининг нишондори Д. А. Атаманов кўтариб бормоқдалар.

Шаҳар меҳнат коллективлари ўн биринчи беш йиллик йилларига кўра Буниттифоқ ва республика социалистик мусобақасида галаба қозонганликлари учун мукофотланган кўча Қизил байроқдор ҳам кўтариб ўтилимоқда.

Ишлаб чиқариш илғорларининг йитма қолоннаси майдонга кириб келади. Минбардагилар Тошкентнинг донгдор меҳнаткашларини қарсақлар билан кутиб оладилар. Ана шу меҳнаткашлар ўзларининг зарбдор, фидокорона ишлари билан совет Ватанининг қурагини



ТОШКЕНТ. В. И. ЛЕНИН НОМИДАЙ Майдонда меҳнаткашларнинг 1 Май намоёиши. ҒаТАГ фотоси.

(Давоми 2-бетда)



ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номи майдонда меҳнаткашларнинг 1 Май намоишлари.



ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ЙЎЛИДАН

(Боши 1-бетда).

кучайтиришга ҳисса қўшмоқдалар. Улар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, новаторлар, ёшларнинг мураббийлари бор.

Давр, совет кишилари олдида мислсиз қўламдаги вазифаларни қўйди, — дейди «Таштестильмаш» заводининг тоқари Улуғ Ватан урушининг ветерани Ватанмир Васильевич Зиков. — Ана шу улғувор режаларни рўбга чиқариш учун бизга тинчлик зарур. Ваҳоланки, инсоният боши узра дахшати хавф-хатар пайдо бўлди. АҚШ маъмурияти ядровий қуролларни пойғасини космосга олиб чиқишга, бизнинг мамлакатимиздан ҳарбий устуликка эришишга интилоқда. Корхонамиз меҳнаткашлари совет тинчлик ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эълон қилган халқаро Тинчлик йили ядро қуролини тутатиш борасида конкрет тадбирлар қўриладиган йил бўлиб қолиши керак.

Намоиш қатнашчилари КПССнинг таъқиқий йўлини қизғин маъқуллаётганликларини, империализмнинг ядро уруши хавфига қарши актив ҳаракат қилиш, ядро қуроли синовлари батамом тўхтатилишига эришиш, космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик иштиёқида энгилликларини изҳор қилмоқдалар.

Майдонга республика пойтахти саноат корхоналари коллективларининг вакиллари кириб келадилар. Улар мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириши жадаллаштиришнинг КПСС XXVII съезди белгиланган программасини бажаришда эришган муваффақиятларни тўғрисида рапорт бermoқдалар. Тошкент саноати тўрт ойлик топириқини Биринчи майга муносиб қилиб бажаришда муваффақиятларига қўшган ҳиссага қўйиб, уларнинг 21,5 миллион сумлик маҳсулот реализация қилишди. Ил бошидан бери меҳнат унумдорлиги 6,6 процент ошди. Шаҳарнинг саноат корхоналари партия қарорларига амалий иш билан жавоб қайтариб, олий сифатли махсулот ишлаб чиқаришни қўйиштиришмоқдалар. Ил бошидан буён 138 та буюм фахрли «Сифат белгиси» билан тамгаланди.

«Оқ олтин» — республиканинг асосий бойлиги. Тошкентликлар пахтакорлар кучли тракторлар, терим агрегатори, бошқа машина механизмларини етказиб бermoқдалар. «Ташсельмаш» заводи вакиллари майдондан ўтиб бормоқда. Юқори унумли, герметик кабиналар билан жиҳозланган пахта териш комбайнлари — коллективларини Биринчи майга меҳнат совғасидир. Янги комбайн республикадаги иккинчи энг катта машинасозлик корхоналарининг куч-ғайратини билан бунёдга келди: янги кабиналар ўрнатилган ўзгача шассисларни Тошкент трактор заводи «Ташсельмаш»га етказиб бermoқда. Трактор заводидаги ихтисослаштирилган цех қурилиши вақтида қўшиб бoрмоқда. Пахтакорлар йил охиригача тошкентликлардан 3700 та шинам ва қўлай машина оладилар.

Майдонга ветеран мураббийлар билан бирга ёш ишчилар қадим ташлаб бoрмоқдалар. Шаҳардаги комсомол-ёшлардан иборат юзлаб коллективлар Биринчи майга муносиб меҳнат совғаларини ҳозирладилар: план топириқларини ва социалистик мамбуриятлар баъжаришнинг тўғрисида рапорт бердилар. Масалан, «Ташсельмаш» заводидан Сергей Амбарумов бошлиқ қолпошчилар бригадаси корхона ёшлар коллективлари ўртасида майдаги зардор ваҳтасининг гоилин бўлиди. Бунда уларга йил бошида ўтилган бригада пудрати метри ердан берди. Бу ерда битта нард билан ишлаш тўғрисида меҳнат унумдорлиги анча ошди. Меҳнат ва технология интизомини бузиш ҳоллари барҳам топди.

Узбекистон пойтахти олий ўқув юртиларининг студентлари ўтиб бoрмоқда. Тошкентнинг олий мактабларида таълим олаётган чет мамлакатларнинг вакиллари ҳам улар билан бирга намоишга чиққандилар.

Намоиш қатнашчилари мураккаб бунёдкорлик вазифаларини партия билан бирга, унинг доно раҳбарлиги остида ҳал этиш қатъий ҳаракатида энгилликларини билдирдилар. Тошкентдаги тантанали юрш меҳнаткашлар Коммунистик партия ва унинг ленини Марказий Комитети теварагиди сафларини анида жипслаштириш, халқлар бузимас дўстлигини мустаҳкамлаш, ҳамма куч-қувватларини КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун, партиянинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириши жадаллаштириш, планетада тинчликни мустаҳкамлашдан иборат стратегик йўлини амалга ошириш учун сарфлаш иштиёқида энгилликни янги куч билан намоиш этиди.

Меҳнаткашлар халқаро бирдмлаги кунини байрам қилишга бағишланган тантаналар кун бўлиб давом қилди. Кеңқурун шаҳар осмонини ранг-баранг мушаклар чарогон этиди.

С. ГРЕБЕНЮК, С. КИМ, А. СКОРОБОГАТОВ, ЎзТАГ мухбирлари.

БИРИНЧИ МАЙ—ЖАДАЛЛИК БАҲОРИ

(Боши 1-бетда).

муваффақиятларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, гарови ва пойдевори бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитетининг давлатларида «Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги мустаҳкамлангандир» деган сўзлар репродуктордан янграйди, бу сўзлар «Красный пролетарий» станоксозларига бевосита дахлдордир.

Бу галги беш йилликнинг улар учун алоҳида аҳамияти бор. Унинг дастлабки сменаларида бошлаб, завод конвейерлари билан Болгариянинг «Стара-Загора» шаҳридаги «Берое» роботозлик илмий ишлаб чиқариш комбинатининг конвейерлари бир маромада иш бошлаб юборди. Совет — Болгария биринчи илмий ишлаб чиқариш Болгариядаги бирлашмаси мана шундай иш бошлади, бу бирлашма қардош мамлакатлар ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқич бошланганидан дарак беради.

Москва-Сортировочная депонининг колоннаси интернационал дўстлик маъмуриятига бир хисса қўшди. Денпо билан локомотив ҳаракати бир-биридан ағирлас тушунчалар. Олис сафарга чиқадиган локомотивларнинг йўли шу ердан бошлади. Умумийтасвиқ миёнасида авж олиб кетган ҳаракат ҳам шу ердан бошланган эди. Бугун дондор коллективдан вақил бўлиб, депо байроғини Қизил майдондан олиб ўтиш мастер Н. Логунова ишончи топириқланди. У коллективга келганда ун олти яшар ўспирин эди. У биринчи шанбада қатнашчилари, буюк почин ижодкорлари билан ёнма-ён туриб, коммунистик меҳнатнинг зарбдорлари билан елкама-елка меҳнат қилишда ва ўзи ҳам уларнинг сафига туриб ишлаш ҳуқуқини қўлга киритишга мушарраф бўлган. У депода ишлаб бoрмоқдаги ўттиз йилдан ошди.

Мастернинг кўксидан учинчи даража Меҳнат Шухрати ордени ёнида ГДРнинг фахрий темирйўлини нишон порлаб турибди. У қардош мамлакатнинг Москва депоси билан бирдорлашган Бранденбург темир йўл механика заводида ишлаб шу муқофотни олган эди.

Ленин комсомол номи автозавод меҳнатчилари маршга қўшилди. Икки ой муқаддам, КПСС XXVII съездида бағишланган шанбада янги моделдаги машиналарнинг биринчи туркуми ишлаб чиқарилди, завод коллективи уни партия съездида совға қилди. Бу моделнинг дунёга келиши билан завод тарихининг янги саҳифаси очилди. Бунинг учун Александр Морозов бригадаси кўп иш қилди. Бугун автомобилчиларнинг ўттиз минг ишчилик коллективдан вақиллик қилиш ҳуқуқи Александрга топириқлангани бежиз эмас.

— Бизнинг янги «Мос-

квич», — дейди бригадир, — бутун корхонани тубдан қайта қуришинингга эмас, шу билан бирга технологиядаги туб бурилишнинг ҳам самарасидир. Одамларнинг психологиясини, ишга бўлган мусоабатини ўзгартириш самарасидир. Яширинининг фойдаси йўқ: «Москвич»нинг сифати ҳақидаги таъналарни эшитганимизда шу корхонанинг ишчиси бўлганимиз учун бизга алам қилади, аммо бу таъналар учун ўзининг шахсий нуқсонлари сабабчи эканини ишчиларимиз орасида ҳеч ким тан олгани келмасди. Хуллас, биз ишни ўзимиздан, ҳар бир иш жойидан бошладик.

— Москвадаги «Большевик» фабрикаси коллективидеда ёшлар кўп бўлиб, у ахил, ҳаракатчан коллективдир, — дейди фабрика ишчиси, КПСС XXVII съездининг делегати Л. Королькова. — Ёш ишчилар корхонанинг ҳақиқий эгалари эканликлари бу йилги баҳорда ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ва яқинроқ англаб турганимизга ёшларнинг мураббийси сифатида ишонч ҳосил қилдим. Игитчиликларимиз умумий ишнинг муваффақиятини ўз иш жойиданга эмас, сменада, цехда, бутун фабрикада ҳам ҳал қилганидан ҳамма омишларга зўр қилиш билан қарайдиган бўлиб қолдилар.

Пойтахтда «Красный пролетарий» деб аталувчи яна бир корхона бор, бу — машҳур босмахонадир. Станоксозлар каби полиграфиячилар ҳам революция аламидаги хизматлари учун шу шонли номга сазовор бўлгандилар.

«Красный пролетарий» тарихида шонли саҳифалар кўп, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бошлиғи Е. Ротанов. — Партиянинг биринчи Программаси, съездларнинг материаллари, уруш йилларидаги планлар ҳам шу ерда бoрмоқда. Бугунги Биринчи май арасида биз янги фахрий буюртмани тўғайладик: КПСС XXVII съездининг ҳамма материалларини кўп минглаб нусхада чиқариб бердик. Коллективимиз съезд олди мусоабаси давомида мана шу фахри ҳуқуқини қўлга киритган эди.

Шу кунларда босмахонанинг янги махсулоти Биринчи май кўтловлари ёзилган миллион-миллион ранг-баранг отриткалар тарзида тарқатилди. Қизил пролетарчилар бугун мамлакатни табриклаганга муваффақ бўлдилар.

Қизил майдон оппоқ бўлиб гуллаган олмасордек бўлиб кетди. СССР агросаноат давлат комитетининг колоннаси биринчи марта майдондан ўтмоқда. Бўлғуси ҳосил рамзи — гуллаб турган олма новдалари безак учун танлаб олинганлиги тасодифий эмас. Бу йилги май дала меҳнаткашлари, қайта ишлаш саноати коллективлари учун айниқса маъсулиятли палладир. Ҳосилнинг тадири баҳордан мум-

кин қадар унумли фойдаланишга, унинг саховатини уршқоқлик билан, кишлоқ хўжалик ишларини аниқ-пўхта ва сифатли ўтказиш билан қўшиб олиб бoришга бoғлиқдир.

Одатда иши металл билан бoғлиқ одамлар қўлида гул тутиб туриши галати туюлади. Қирмизи гулдастлар аламага уфуриб турган пўлатни эслатади. Колоннада қора металлургия маркази илмий-тадиқот институтининг ходимлари бoришмоқда. Мана шу илмий коллективда пўлатни узлуксиз қуйишдек революцион технология жаҳонда биринчи марта юзага келди. «Металл» сўзи грекча «металан» сўзидан келиб чиққан бўлса керак, бу эса «изланиш» маъносини билдирди. Металл ва изланиш — бу тушунчалар тадиқот институтининг ишида бир-бири билан ҳамбарчас боғланган.

Ўтган беш йилда 500 га яқин катта илмий ечимларини ишлаб чиқаришга жорий этишди. Электр техника учун махсус пўлатлар, автотомобил қузовлари учун туңука, катта диаметри қувурлар ана шулар жумласидандилар. Чет элларга Йигирма битта лицензия сотилди.

Илм-фан олдида катта вазифалар қўйилган. Ундан жаҳон аҳамиятига молик кашфиётларни ҳам, халқ хўжалиги проблемаларини ҳам элтишда амалий ёрдам ҳам қўтишмоқда. Бунинг учун илмий-тадиқотлар бугун жаҳонда ва уларнинг натижаларини жорий этиш соҳасида янги қадам қилиш қатъий бурлиш қилиш зарур. Ҳозир олимлардан кўпроқ ташаббускорлик ва ишқилик активлик, ўзига исбатан талабчанлик ва илм-фаннинг, замонавий технологиянинг даражаси учун маъсулият талаб қилинади.

Қизил майдон баҳор байрамидан шод-хурам бўлган одамлар билан қўйилган. Районлар ва заводларнинг, белгилари бирин-кетини ўтиб ўзгариб турибди, байрам музикаси эса мутасил байрамона, Биринчи майга хос кўтаринчи руҳда янграб турибди. Революцион қўйилган, кашшофлар марши, жаҳонимиз қўшиқлари, зафарларимиз қўшиқлари, жанглармоқда. Музика ҳамма инсон барча зафарларнинг доимий ва энг актив қатнашчиси бўлиб келган. Байрам арасида Ленин муқофоти лауреати унвонига сазовор бўлган, «Ленин биз билан» кантатаси, «Кремль курантлари» увертюрасининг, Малая Бронная кўчасидаги Сержка тўғрисида машҳур қўшиқнинг муаллифи композитор Андрей Эшпайта сўз берганимиз.

— Бугун, жушқин ҳистуйтуга тўлиб-тошган кунда, нималар қаҳида гапириш мумкин? Албатта, бизнинг умумий истагимиз — тинчликда яшаш истагимиз қаҳида гапиришмоқчиман. Санъат инсонга гоят катта таъсир ўтказди. Бунинг устига санъат жамиятининг бош ҳуқуқи — инсонлар учун бар-

по этилган жамият бўлиш ва тинчликда яшаш ҳуқуқини ҳамма қилиб қолалади. М. С. Горбачевнинг Берлинда сўзлаган нутқи халқларга ядро ҳалокатининг олдин олиш мумкинлигига ишонч бағишлади. Ана шу ҳақиқат сўзининг бош маъноси умид бонги бўлиб янгради: уруш ҳеч қачон бизнинг дийримиздан бошланмайдик, ҳеч қачон!

КПСС Марказий Комитетининг: «Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи! Тинчлик ва социализм учун курашда барча мамлакатлар коммунистларининг синфий бирдамлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамлангандир!» — деган қарори майдон узра янграйди ва намоишчиларнинг колонналари узра кўтаришган «Ура» сароси билан бирга Москва меҳмонлари қизил байроқчаларини қўйиштириб байрамни табриклайдилар. Юздан эйд мамлакатдан касаба союз ҳаракатининг делегациялари, жаҳон касаба союзулари федерациясининг, бошқа халқлар ошқиликлари билан вакиллари Биринчи Майни кўтиб олиш учун совет пойтахтига келдилар. Улар Москвада пролетар байрамнинг ёркин намоишларини завқилди, айни шу соатларда ўз юртида нималар сойиб бўлаётганлигини тўғрисида ўйламоқдалар, албатта. ТАСС телеаппарати ва дисплейлари Ватан саросини уларга етказишда ёрдам бermoқда. Ҳозиргина олинган хабарларнинг баъзиларини келтирамиз:

БЕРЛИН. Биринчи Майнинг 100 йиллиги арасида немиш пролетариатининг йўлбошчиси, фашизмга қарши курашчи Эрнст Тельман туғилган кунининг 100 йиллиги нишонланди.

Гамбург яқинида Биринчи Май кўчалари Тельман сўзлаган нутқи мени айниқса ҳаяжонлантирган эди, — деб эслади немиш ишчилари йўлбошчисини қўлидан билган ветеран Александр Кеппен. — Оташми интернационалист коммунист давлат ўтиб келган нарсалар эндиликда ишчи ва деҳқонларнинг немишлар дийрлиги биринчи социалистик давлатнинг шонли зафарларида мунжасам ифодасини топди. Ҳозирги байрам ГСБП XI съезди қарорларининг таассуроти остида ўтмоқда. КПСС делегацияси билан самимий учрашувлар иккала давлат ва халқ — маснадошлар билан шериклар ўртасидаги бузимас иттифоқни мустаҳкамлашда шонли босқич бўлиб қолди.

КОБУЛ. Кобулиннинг марказий майдонидеда яна байрам. Бундан бир неча кун илгари Афғонистон халқи Апрель инқилобининг саккиз йиллигини нишонлаган эди.

— Мамлакатимизнинг ишчилар синфи ҳали ёш, у эндиликда 20 га тўлди, — дейди Афғонистон касаба союзлари Марказий кенгашининг раиси А. Пурдели. — Империализм бизга қарши эълон қилинмаган урушнинг авж олдириб юборган энг оғир пайтда биз кўпгина

мамлакатлар меҳнаткашларининг қатъий мададини сезиб турдик, халқро бирдамлик кучига ишонч ҳосил қилдик.

МАНАГУА. «Трабахо волунтарио» («Ихтиёрий меҳнат») — Биринчи Май арасида Никарагуада ана шу сўзлар жанггаб турди. Ўш минглаб ишчи ва деҳқонлар шанбада ишчи-лаб топишган маблагларни эса сандиновчилар революциясини химоя қилиш фойдига ўтказдилар. Улар ўзларининг ихтиёрий меҳнатини меҳнаткашлар халқро бирдамлик кучига бағишладилар. Манагуанинг кўпгина корхоналарида ишлаб чиқариш топириқларини ошириб бажарилди, деҳқонларнинг сандиновчи касаба союз марказининг бош секретари Луисо Хименес. Тўқимачилик фабрикалари, металл-созлик устакхоналари, озиқ-овқат заводлари АҚШ бундан бир йил муқаддам Никарагуа билан савдо-сотини таққилиб қўйганлиги оқибатларини ҳамон сезиб турибди. Аммо мана шу мураккаб шароитларда ҳам ишчилар синфи ички резервларини қидириб топмоқда, ҳам ашё, электр энергияни қатъий тажаммоқда. Шу кунларда юзлаб ишчи ва деҳқонлар халқ миллийлиги отрядлари ҳалдидилар.

ПАРИЖ. Франциядаги биринчи маёвналар ва дастлабки «қизил» муниципалитет бешиги бўлган Монлоно шаҳарчаси Биринчи майнинг завод корпуслари қувиллаб қолган ва ишчилар рекорд даражада кўтаришган бир шароитда кўтиб олмақда. Монлоносо ҳозир ҳам «қизил» шаҳар бўлиб қолмоқда. Коммунист мэр қўллаб-қувватлаган меҳнаткашларнинг қатъий тағуфийлиги улар шаҳардаги энг катта корхона — «Данлоп» шина заводидаги ёпиб қўйиш тўғрисидаги қарорини бежор қилинишига эришишга муваффақ бўлдилар. Ана шу корхонанинг штамповкачиси Аллен Клавон ишчилар бирдамлиги кучини бугун алоҳида ҳис этмоқда. Унинг номи Францияда меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун кураш рамзи бўлиб қолди. У оғир меҳнат шароитлари тўғрисида «Оманите» газетаси муҳбирга сўзлаб бергандан кейин ишидан маҳрум бўлиб, ўртоқлари қўллаб-қувватлаган Аллен алоҳатда — ишда қайта тикланишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Мана бу эса Биринчи май ватанидан олинган хабар: ЧИКАГО. Айни шу шаҳар Америка меҳнаткашларининг оммавий намоишларининг маркази бўлиб қолди. Элликтдан кўпроқ касаба союз, маданият, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари Чикагодаги фожиали воқеаларнинг юз йиллигига бағишланган тадбирларини бир ой мобайнида ўтказувчи комитет ташкилот қилди. Ана шу жойда қонли репрессияларнинг қурбонлари ага ёлдорлик очилди. АҚШ меҳнаткашлари ўз манфаатлари йўлидаги курашда сафарларини жипслаштиришмоқдалар. Америка иш-

чилар синфининг ядро урушига йўл қўймаслиқдан, ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш мақсадига оммавий қирғин воқеаларини қамайтиришдан, сўнгга эса батамом тутатишдан қўра муҳимроқ вазифаси йўқ, деди ТАСС муҳбирга америкалик таниқли тарихчи, кўни кеча босилиб чиққан «Биринчи май ишчилар халқаро байрамнинг қисқача тарихи» китобининг ағори Ф. Фоулер.

Тинчлик учун, Рейган маъмуриятининг милитаристик сисёатига қарши кураш — Американинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган анъанавий оммавий митингларнинг бош мавзусидир.

Қизил майдонда байрам юриши давом этмоқда. Бу майдон барча қишлоқларда пролетар бирдамлиги гоиларини тарғиб этётган, термодро ҳалокатига йўл қўймаслиққа азму қарор берганлигини намоиш қилаётган ишчилар колонналарининг ана шу қатъий олинини эшитиб турибди. Москвалик мактаб ўқувчиси Катя Личева олис Америкага олиб борган қороз набуторларнинг оппоқ қолтоларида «Анз дўстим, кел тинчликка яшайлик» сўзлари ёзилган эди. Бу киз АҚШнинг «Тинчлик ижодкорлари» бўлиш болалигида жамоат ташкилотининг тақдирини билиш Америкага борган эди. Катянинг йўлидаги биринчи шаҳар Чикаго бўлганлиги рамзий маънога эга.

Уш қунари газеталар Катюшани тинчликнинг жаҳон элчисини деб аташган эди. Ҳозир у онас ва отиси билан бирга Қизил майдонда меҳмонлар орасида турибди. Унинг табассуми Катянинг колонналарида ўтиб бoрётган тенгдошлари, советлар мамлакатларининг пионерлари бугунги байрамни тўғриватган шод-хурамлик денгизидан ёркин бир томчи-дир.

Тинч бунёдкорлик меҳнатининг қудрати ва гўзаллигини, шу йил баҳорда бутун совет мамлакатини қамраб олган қудратли жадаллаштириш кучи москиликларнинг байрам юришида намоён бўлиди.

Лирик куй тиниб, марш садолари янграй бошлайди. Бир зумда ҳамма жой-жойини ағаллагач, майдонда жуда улкан саҳифада бўлган каби одамлар қизил байроқчалари билан «КПСС» сўзи ва «XXVII» рақамини ҳосил қилдилар.

Минглаб кишиларнинг «Ура!», «Ленин партиясига шон-шарафлар!», «Совет халқига шон-шарафлар!» деган садолари янграйди.

Партия билан халқнинг жонли бирлиги, дадил режалар билан фидокорона меҳнатнинг қўшилиб кетишигига тинчлик ва тараққиёт йўлидаги, КПСС Программасида белгиланган йўлда муваффақиятларимиз гаровидир.

Қизил майдондан репортаж ТАСС махсус мухбирлари Т. АКУРОВА, ВА. Л. ЕРМАКОВА, А. БЕЛИКОВ, Д. ДИБРОВ, Н. ЖЕЛЕЗНОВ, Л. ЧЕРНЕНКО олиб бордилар.



ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номи майдонда меҳнаткашларнинг 1 Май намоишлари.



А. Зуфаров фотолари.

Мирзо Турсунзода туғилган куннинг 75 йиллигига

Сўз қудрати билан «рўйи жаҳонни» олган кўп миллатли совет адабиётининг за- бардаст адибларидан бири Мирзо Турсунзоданинг ту- гилганига етмиш беш йил ўтди. Мамлакатимиз қардош халқлари кенг ни- шонламоқдалар.

Қалам дерки: мен инсонга промаи, Гоҳи шамширмау гоҳи чироқман. Тушиб қолсам агар одил қўлга, Бағишлагум ўзин ҳақлик йўлига. Олурман сўз ила рўйи жаҳонни, Мудом ифшо этиб рози ниҳонин. Қаламкаш қилса гар дўстлиқни пеша, Мурода етказурман мен ҳаминша.

Бу қайнок мисраларни битган М. Турсунзода тар- жимаи ҳоли бошқа истеъ- дод эгалариники каби оддий. У 1911 йилда ҳозирги То- жикистон ССР Ретар райо- нига қарашли Қоратог қиш- лоғида хунарманд-дуралдор оиласида дунёга келди. Ёш Мирзода дастлаб отасининг таъсирида бадийи адабиётга ҳавас уйғона бошлади. Ўз қишлоғида хат-саводини чи- қариб, кейинчалик Қоратог- да очилган совет мактабиди ва Душанбедаги Абдуқосим Лахути раҳбарлиги қилган педагогика техникумида илк маълумотни олди. Техникум- ни битиргач, 1927 йилда Тошкентга келиб, тожик маориф институтига ўқишга жойлашди.

М. Турсунзода институт- да ўқиб юрган йилларида- нок Шарқ ва Ғарб адабиёти классиклари, қарош халқ- лар, айниқса, рус адабиёт- нинг нодир намуналари бил- ан чуқур танишиб, иккунчи ишта журғат билан юриш бошлади. У ўзининг илк шеър ва очеркларини бул- ан ўша давр тожик вақтига му- боутлида фолд қатнашиб тур- ди. Ёш адибнинг дастлабки ижодий машқлари 1932 йилда «Ғалаба байроғи» но-

«ҚАЛАМ ДЕРКИ...»

ми билан босилиб чиқди. У ўзининчи йиллардан бош- лаб ижодкор сифатида та- нилиб борди ва шу давр ичи- да шеърлари билан бир қар- дош «Ўз ва баҳор», «Ўхум», Абдуллоҳ Дехотий билан ҳамкорликда улуғ озабайжон классиги Низо- мий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достони асосида шеър-ий-музикали драма ҳамда Тожикистон ССРнинг ўн йиллигига бағишланган «Восе қўзғолони» номли би- ринчи тожик совет операси- нинг либреттосини ёзди.

Адиб Улуғ Ватан уруши- гача «Оҳанрабо», «Баҳор», «Олтин мамлакат», «Ешлик қўшини», «Чаманзор», «Ка- нал келди», «Хом ҳаёллар», «Тожик тоғларига» каби она-Ватан ва меҳнат мад- ҳига бағишланган қатор жо- зибали шеърлар яратган бўлса, уруш йилларида «Ҳеч қачон», «Ватан ўғло- ни», «Тоҳир ва Зухра» ка- би замонавий ва тарихий мавзулардаги жанговар руҳдаги шеър ҳамда саҳна асарлари билан танилди. Шоир урушдан кейинги йил- ларда меҳнат, тинчлик, озод- ликни тараннум қилувчи асарлар ижод қилди.

М. Турсунзода 1947 йил- да совет делегацияси сафи- да Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўлган халқаро тинчлик конференциясида қатнашди. У ердан қайтган- да, сафар таассуротлари асо- сида «Ҳиндистон қиссаси» туркумига кирувчи бир қан- ча шеърларини яратди. Шо- ир мазкур шеърларида ин- глиз мустамлакачилари то- монидан шафқатсиз эзил- ган, ҳўрланган, лекин эрк ва озодлик учун интилаётган Шарқ халқларининг ҳаёти- ни эҳтирос билан ҳақоний мисраларда тасвирлайди. Бу туркумдаги шеърлар тез орада турли тилларга тар- жима қилиниб, шoirга кат- та шўҳрат келтирди.

Мирзо Турсунзода ижо- дида халқаро тема бутун умр кучли ҳис-ҳаяжон ва юксак пафос билан ишла- ниб борилади. 1949 йилда Н. Тихонов раҳбарлигида А. Сафронов, Ойбек, М. Тур- сунзодалардан иборат совет

ёзувчилар делегацияси По- кистон бўйлаб сафар қилди. М. Турсунзоданинг шу са- фар натижасида ёган «Озод Шарқдан мен», «Қўзлар», «Ватан чироқлари» каби шеърлари ва 1957 йилда яратган «Осиё овози» номли асари Ҳиндистон туркумига кирган шеърлари билан го- явий-бадийи ва тематик жи- ҳатдан ҳамоҳангдир.

Шоирнинг «Осиё овози» шеърларида Осиё-Африка халқ- ларининг ўз озодлиги ва мус- тақиллиги йўлида олиб бо- раётган қаҳрамонона кура- ши зўр кўтаринки руҳ би- лан тараннум қилинади:

Осиё гапирар, Тингланг овозини! Жўшқин дарё мавжия, Ҳайқиряқ созин Осиё уйғонди, ухламас, уйғоқ, Бўлди ростлик, дўстлик у билан ўртоқ. Қоронги кечадан, Тўлқиндан асло Шикоят қилмагай энди Осиё, Дўстлари қўл бериб аҳду вафого, Бошини кўтармакда юксак фазого. Осиё, Африка бўлб бир сузлик Ўз юзига очди иқболдан эшик.

Шоир ижодида тинчлик, дўстлик, интернационал ма- вуз катта ўрин тутди. Унинг «В. И. Ленинга», «Бургут», «А. С. Пушкинга», «Расул Ҳамзатовга», «Қардошлик қонуни», «Тинчлик қўшини» каби қатор шеърлари бу жи- ҳатдан диққатга сазовордир. «Қардошлик қонуни» ше- рига эса улуғ рус тилининг халқларини бирлаштиришда катта аҳамиятга элик экан- лиги юксак иштиёқ билан қўйлашди.

Ишю бўлган шу тилда Пушкиннинг мудлоаси, Қанотида мавжлавар Чайковский навоси. Бизга шу тил келтирди «Аврора»нинг садоси, Иўқ эрур жаҳоннинг жаҳон ичра баҳоси! Оламга машхур бўлса Тожикистоннинг номи, Оқилларнинг оқини— Жамбул Жабой каломи, Ўзбекистон ерининг беқирёс саҳовати,



Буларнинг ҳаммасидир рус тили шарофати.

М. Турсунзода ижодий меросида «Ватан ўғлини», «Қўллар мамлакатиди», «Сўнмас чироқ», «Жонги- нам», «Ҳасан аравакаш» ка- би поэмалар ҳам катта ўрин тутди.

Шоирнинг «Ҳасан ара- вakash» поэмаси маълум дара- жада автобиографик ха- рактерга эга. Унда шоир- нинг ёшлик йиллари, Тош- кентта ўқиш учун келган йилда бошдан кечирган машаққатлари, ўз кўзини қолдирган. Шоир өзү мақ- сад йўлида олға интилган соҳибкам қаҳрамоннинг руҳий олами, психологияси- га юз берган мураккаб, қа- рама-қарши ҳис-туйғуларини рўй-рост ла маҳорат билан кўрсатган.

Таниқли адиб ижодий ва интимий ишни доимо қў- шиб олиб борди. У 1946 йилдан то умрининг охири— 1977 йилгача Тожикистон ёзувчилар союзининг раиси, узоқ йиллар давомида Осиё ва Африка бирдамлиги Со-

вет комитетининг раиси ла- возимларида ишлади. Дунё- нинг кўпчилик мамлакат ва шаҳарларида бўлиб халқлар ўртасида тинчлик, хавфсиз- лик, халқаро ҳамкорлик ва социал тартиқ учун ҳор- май-толмай кураш олиб бор- ди.

М. Турсунзода адабиёт ва жамоат ишларидаги актив фаолияти учун партия ва ҳукуматнинг томонидан бир неча орден ва медаллар би- лан тақдирланди. У Соци- алистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва СССР Давлат му- кофотлари ҳамда халқаро Неру ва республика Рудакий номидаги мукофотлар лау- реати бўлди. Кўп миллатли совет адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Тожи- кистон халқ шоири Мирзо Турсунзоданинг порлоқ хо- тираси ёрча қардош халқ- лар қатори ўзбек халқи учун ҳам ҳаминша азиз ва муъта- бардир.

Ҳ. МУҲАММАДХҲАЕВ, филология фанлари кан- дидати.

ЎЗНИНГ АХБОРОТ

ЮТУФИ — «МОСКВИЧ»

Яхши ният ярим мол, дейди халқимиз. Паркент райониди «Кўёш» хўжа- лик ҳисобиди чакана сав- до ташкилоти ходими Шер- зод Ниёзов ҳам қўшлар қа- тори лотерея билетларини харид қилиб, ўзини тираж- ларини қузатиб борарди.

Ниҳоят Шерзод Ниёзовга омад қилиб бўлди. У Ўзе- бкистон ССР пул-булом лоте- реяси биринчи чиқарилиши бўйича ўтказилган ютуқлар тиражнинг Расмий жаъла- лига қўз югуртирайиб, ку- вошга кетди. Унинг 05640 серияли 113 номерли лоте- рея билетига «Москвич- 2140» маркали енгил ав- томашина чиққан эди.

Хисарак қилмоғи аҳоли- си, дўст-биродарлари Ш. Ниёзовни бу ютуқ билан табриклашди.

ЯНА БИР БОҒЧА

«Гулбоғ» совхози мар- кази кундан-кунга чирой очиб боришти. Бош план асосида қурилаётган посёлкада ту- рар-жой бинолари, маданий- маиший объектлар қад кў- тарилшти.

Яқинда совхоз меҳнат- кашларининг фарзандлари учун 140 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топ- ширилди. Унга «Ширин» деб ном берилди. Посёлка- даги боғчадан 5-механиза- циялашган кўчама колонна қурувчилари бунёд этишди.

Т. ДУСТМАТОВ, Паркент райони.

КИТОБСЕВАРЛАР

ТУҲФАСИ

Китобсеварлар жамияти Чирчиқ шаҳар ташкилоти правленийига келатган бандероллар кескин қўлай- ди. Уларнинг барчасида турли йилларда нашр этил- ган адабиётлар жойланган. Кейинги пайларда ўз шаҳ- сий кутубхонага ўтавиш иста- гини билдирётган китобе- варлар сонини сезиларли дара- жада ортди. Улар ўз бой кут- убхоналарини болалар уйи, боғча ва мактабларга совға қилмоқдалар. Кейинги ойлар- да Х. Продан, А. Дуборов- ни, И. Дегинин сингари шахсий кутубхона агалари адабиётларининг бир қисми- ни китобсеварлар ташкило- тига топширдилар.

(ЎзТАГ).

530 ИЖОДКОР АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАДА

30 апрель кун Тошкент шаҳрида очилган ҳаваскор расомлар ва халқ амалий санъати усталари республи- на кўргазмасининг аяни бир ҳолати бор: асарлари на- мойиш этилаётган ижодкор- ларнинг кенжаси 6, кенжаси 85 ёшларда. Кўргазмани Ўзбекистон касба союзиари республика Совети ҳамда Ўзбекистон Расомлар сою- зи уюштирди. 530 нафар

муаллиф кўргазмага келган кишиларга она юртимиз гу- залликлари намоён этмоқ- да, уларни завод ва кури- лишларда, дала ва ферма- ларда ишлаётган аjoyиб меҳнаткашлар билан таниш- тирмоқда.

Кўргазмага қўйилган ҳар бир асарда замондошнинг- ни, иш кунлари, орзу-уй- лар ва интилишларни акс этган. «Таштектильмаш»

заводининг дуралдори Ю. Бутусов кўргазмага ўз ха- касоб ўрқоларининг тасвири туширилган картиналар тур- кумини танқид этди. Кочин Б. Голубинский, болалар боғчасининг мураббиси А. Бочарова, монтер Ш. Сейт- умеров, слесарь А. Каноп- нов, муаллим Х. Ҳасанов асарларининг бош қаҳрамо- ни меҳнаткаш инсондир. Картина муаллифларининг касб-кори санъат ҳақ мул- ки бўлиб қўлаётганлигига ёрқин далилдир.

Гиламдўзлик ва каштачи- лик, сопол ўйинчоқлар ва кулолчилик соҳасида ишла- ётган ҳаваскор усталарнинг ижодида халқ амалий санъ- атининг янги-янги қирралар- и килиланоқда.

Кўпгина иқтидорли муаллифлар ана шу кўргаз- мада биринчи бор қатнаша- ётганлиги, айниқса, қувонч- лилар. — деди Ўзбекистон Расомлар союзи правле- нисининг биринчи секретари Ж. Умарбеков. — Улар- нинг қўшлари олис қишлоқ- ларда яшайдилар. Биз Ўзе- бкистон касба союзиари рес- публика Совети билан ҳам- корликда «Санъат ва меҳ- нат иттифоқи» шiori ости- да қилаётган изланишлари-

мизининг самаралари яққол намоён бўлшти. Ҳозир рес- публикамиздан 140 та тас- вирий санъат студияларида тасвирий санъат, графика ва ҳайкалтарошчиликнинг минг-минглаб ихлосмандла- ри гузаллик олами сирла- рини ўрганмоқдалар. Ҳозир биз тасвирий санъат студи- яларини қўлайтириш ҳарака- тидамиз. Шу йўл билан аҳо- ли кенг қатламлари ораси- дан иқтидорли кишиларни топши, янги-янги истеъдо- ларини рўёбга чиқариш ния- тидамиз.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА ФУТБОЛ

□ БУГУН Франциянинг Лион шаҳрида Европа кубо- ги эгалари кубоғи учун Ки- евнинг «Динамо» ва Мад- риднинг «Атлетико» коман- далари ўртасида финал ўйни бўлади. Кўп сонли футбол мухлислари бу уч- рашувни ораниб куттишмоқ- да. Украин футболчилари совет спорт тарихида Евро- па клубларининг ўзига ҳос бу баҳсда бир марта ўнг юқори ўринга кўтарилган эди.

□ ЎЗБЕКИСТОН XX спартакиадаи программаси асосида футбол мусобақала- ри тутди. Термиз шаҳри стадионларида ўтказилган ўйинлар Тошкент шаҳар футболчиларининг ғалаба- си билан якулланди. Улар охириги хал қилувчи ўйида майдон эгаларини 2:1 ҳисо- бидида мағлубиятга учратти- ди.

ВЕЛОТРЕК

□ ТОШКЕНТ велотреки- да СССР биринчилиги мусо- бақалари бўлиб ўтди. 1000 метр масофага эркаклар ўр- тасида жуфтлик пойғасида армиячилар тбилислик Отар Мчедлишвили ва тош- кентлик Александр Панфи- ловлар ғолиб чиқшти. Улар масофани 1 минут 03,842 секунда босиб ўтишти.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

□ «ПАХТАКОР» стадио- нида касба союз спортчи- лари биринчилигида Тош- кент физкультурта институти студенти Элвира Якимова 1 метр 94 сантиметр ба- ландликдан сакраб ўтиб, мавсумининг энг юқори на- тижасини кўрсатди.

Халқаро Ҳаёт

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

◆ БЕРЛИН. Корхона ом- борларида керагидан ортиқ тўпланиб қолган материал- лардан фойдаланишнинг энг мақбул йўли қандай? Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, аммо ҳозир тақчил бўлиб турган хомашини қа- ердан тописа бўлади? Ана шу ва шунга ўхшаш саволлар- га Ростов шаҳрининг хўжа- лик хизматчилари матери- алларнинг доимий бижраси ходимларидан жавоб олиш- лари мумкин. Бу биржа ша- ҳардаги кенасозлик комби- нати мутахассисларининг ташаббуси билан очилди. Кооператив йўли билан иш- лайдиган ана шу янги хўжа-

лик идорасининг барпо эти- лишини шаҳар корхоналари- нинг раҳбарлари катта қизи- қиш билан кутиб олдилар. Биржа очилганига бир ой тўлиб-тўлмай Ростовдаги 20 дан ортиқ етакчи завод ва фабрикалар биржага аъзо бўдилар.

◆ СОФИЯ. Болгариядаги Бургас округининг 60 дан ортиқ саноат корхонаси шу йилнинг тўрт ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарди. Плев- нинг округида шу давр мобай- ниди 30 дан ортиқ янги ва тақомиллаштирилган техно- логиялар жорий этилди. На- тижанда 4 миллион левлик

иқтисодий самара олинди. Бу Болгариянинг турли рай- онларидаги ишчи коллектив- ларидан олинган рапортлар- нинг бир қисминдир, холос. Болгария меҳнат коллектив- лари халқаро бирдамлик ку- нига бағишланган социалис- тик мусобақада катта муваф- фақиятларини қўлга киритди- лар.

◆ ХОШИМИН. Сайгон портчилари меҳнаткашлар халқаро бирдамлик кунининг 100 йиллигини катта меҳнат зафарлари билан кутиб ол- дилар. Улар шу йилнинг тўрт ойи плани охириги ба- жарилганлиги ҳақида ра- порт бердилар. Бу йил Сай-

гон портига келган ҳар икки кеманиннг бири Совет Итти- фокнингидир.

«Совет—Вьетнам юклари маҳтал бўлиб қолмасин», деган шior остида ўтаётган интернационал социалистик мусобақа туфайли кемалар- нинг юк ортини-тушириш вақтида портида турини бир- инки кунга қамайтирилди.

Ортини-тушириш ишла- ри бошлангани олдиндан до- керлар ва экипаж аъзолари иш планини сиңичлаб муҳо- кама қилдилар, техникадан унумли фойдаланиш йўлла- рини белгилаб оладилар. На- тижанда юк обороти тубдан қўлайиб, давлат маблағи те- жалмоқда.

(ТАСС, 30 апрель).



АҚШ. Америка маъму- рлари «Хормел» озиқ-овқат корпорациясининг иш та- шлаган ишчиларини қаттиқ таъқиб этмоқдалар. Ишчи- лар ярим йилдан ошмиқроқ вақтдан бери корхона хў- жайинларининг иш ҳақини 23 процент қамайтириш тўғ- рисиди қарори бекор қи- линиши, пенсия нафақалари- ни қўлайтириш ва иш ша- роитларини яхшилаш учун мардонавор кураш олиб бормоқдалар. Суратда: Ос- тин шаҳрида иш ташлашда қатнашганларга нисбатан по- лиция хуружи (Миннесота штати).

АП—ТАСС фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

3, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 11 май кунлари

«КЕЛИНГ, ТАНИШАМИЗ»

ЁШЛАР КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

КАТНАШАДИЛАР: ЗАМОНАВИЙ ЖАЗ МУЗИКАСИ ВОКАЛЬ—ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Бадий раҳбари — Григорий ПУШЕН. Халқаро ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатла- ри

НАТАЛЬЯ НУРМУҲАМЕДОВА ВА МАНСУР ТОШМАТОВ

Олий ўқув юрлари ва саноат корхоналарининг диско- тека ва ижодий коллективлари, спорт бадий гуруҳалари. Томошалар соат 19.30 да бошланади.

Билетлар Тошкент шаҳридаги олий ўқув юрларида ва «Юбилей» Марказий спорт зали кассаларида сотилади. Биринчи навбатда коллектив аъвалар бўйича билет- лар таъминланади. Кассалар ҳар кун (1 ва 2 майдан ташқари) соат 11 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-70-31, 46-03-12 — касса, 46-68-77, 46-07-53 — администратор.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МОСКВА «МУЗ УСТИДА ЦИРК» КОЛЛЕКТИВИНИНГ

Г А С Т Р О Л Л А Р И

Ўргатилган айиқларнинг хоккей матчи. Ўргатувчи — ГЕННАДИЙ БУДИЦКИЙ.

Ўргатилган маймуларнинг муз устидаги томошалари. Ўргатувчилар — ОЛЬГА ВА ВИКТОР ЛОМАКИНЛАР.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист ВЛАДИМИР ПО- ПОВ раҳбарлигидаги масхарабозлар гуруҳасининг чиқиш- лари. ТОМОШАЛАР соат 19.30 да; шанба кунлари соат 16.00 ва 19.00 да; якшанба кунлари соат 13.00, 16.00 ва 19.00 да БОШЛАНАДИ.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди. Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача. Коллектив бўлиб келиш учун заявқалар қабул қилин- моқда. Телефонлар: 44-35-91, 44-28-04.

СПОРТНИНГ ҚИШКИ ВА ЎЗГИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИМПИА РЕЗЕРВИ ГРУППАЛАРИНИ ТАЙЕРЛОВЧИ РЕСПУБЛИКА ЁҚУВ-МАШҚ МАРКАЗИ САЛОМАТЛИК ВА БИОРИТМИК ГИМНАСТИКА ГРУППАЛАРИГА ҚУШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ГРУППАЛАРГА 16 ЁШДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИ- ЛИНАДИ. ГРУППАЛАР ЁШ КАТЕГОРИЯЛАРИГА ҚА- РАБ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ. МАШҒУЛОТЛАР ҲАФТА- ДА УЧ МАРТА ТАЖРИВАЛИ ТРЕНЕР-МЕТОДИСТ- ЛАР ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИ.

Қўйидаги ҳужжатлар таъдид этилади: солиғи ҳақида- ги справка, касаллик тарихи варақасидан кўчирма, кар- диограмма, 2 дона фотосурат. МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖОЙЛАР: «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА биоритмик гимнастика гуруҳаларида эрталас соат 7, 8 да, кечқурун 18, 19, 20, 21.00 да, ҳафтада уч марта. Турли ёшдаги болалар учун фигурали ўқиш ва умумий жисмоний тайёргарлик машғулотлари бўйича пуллик абе- немент гуруҳалари ташкил этилган: 4—5 ёшдан бошлаб фигурали ўқиш машғулотлари ўқиш учун; 7—15 ёшдан бошлаб умумий жисмоний тайёргарлик машғулотлари ўқиш учун. Машғулотлар ҳафтада уч марта ўтказилади, бошланғи вақти —соат 19 ва 20.00 да.

«ЧИГАТО» СПОРТ БАЗАСИДА «Саломатлик» ва умумий жисмоний тайёргарлик груп- паларида. Машғулотларнинг бошланғи вақти —соат 8.00 да 19.00 да, ҳафтада уч марта. Спорт жиҳозлари ва тренажерлар снанинг хизмати- гида.

РЕСПУБЛИКА ВЕЛОТРЕКИДА «Саломатлик» ва умумий жисмоний тайёргарлик груп- паларида. Машғулотларнинг бошланғи вақти —соат 18.00 ва 19.00 да, ҳафтада уч марта. Велосипедлар прокати снанинг хизмати- гида.

ТЕННИС САРОИИДА «Саломатлик» ва умумий жисмоний тайёргарлик груп- паларида. Машғулотлар —ҳафтада уч марта ўтказилади. Эрта- лаб соат 8, 9 да ва кечқурун 19.00 ва 20.00 да бошла- нади.

РЕСПУБЛИКА ЁҚУВ-МАШҚ МАРКАЗИ (бирлашмаси) ДА ҚУЙИДАГИ КЛУБЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН: хоккей ишчибозлари — «Юбилей» марказий спорт за- лида; спортнинг ўқув турлари бўйича — Теннис саройида. КЛУБЛАРГА ҲАММА ҲОҚЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Справкаларини телефонлар орқали олиш мумкин. «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ 46-07-53, 46-68-77. «ЧИГАТО» СПОРТ БАЗАСИ — 29-07-24. РЕСПУБЛИКА ВЕЛОТРЕКИ — 29-44-46. ТЕННИС САРОИИ — 62-76-83, 62-76-84. ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон: 45-37-27).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда" / ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъуд секретарь — 331808, 325353; секретариат — 325750, БУЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги нав- батчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

РЕДАКТОР Н. НАСИМОВ.

Р. 08731. Б. 1595. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени билан таъинланган. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12